

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2024 йил март ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очиқ, сайёр суд мажлиси Ургут туманидаги 16-сонли Болалар музика ва санъат мактаби биносида бўлиб, судья Ғ.Негматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, Ургут туман прокурорининг ўринбосари Т.Каримқулов, судланувчи А.Худойбердиев ва унинг ҳимоячиси Ургут туманидаги “Ҳақиқат ҳуқуқ тарафдори” адвокатлик бюроси адвокати А.Ганиев, судланувчи Ш.Бахронов ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳридаги “Тенглик нури” адвокатлар ҳайъати адвокати Б.Игамовларнинг иштирокида,

Худойбердиев Азиз Саидович (Xudoyberdiyev Aziz Saidovich), 1990 йил 16 январь куни Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, депутат эмас, партиясиз, муқаддам судланмаган, Ургут туманидаги 1-сонли шифохонада тиш шифокори бўлиб ишлайди, Самарқанд вилояти Ургут тумани “Ватак” маҳалласида яшайди, айблов далолатномаси нусхасини 07.03.2024 йилда олган, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан судланувчи:

Бахронов Шохижохон Ахмат ўғли (Bahronov Shohijaxon Aхmat o'g'li), 1990 йил 17 август куни Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилалик, депутат эмас, партиясиз, муқаддам судланмаган, мавсумий ишчи, Самарқанд вилояти Ургут тумани “Ватак” маҳалласида яшайди, айблов далолатномаси нусхасини 07.03.2024 йилда олган, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан судланувчига оид 1-1416-2401/112-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

А.С.Худойбердиев қасддан баданга ўртача оғирликдаги шикаст етказиш ижтимоий хавfli қилмиш эканлигини била туриб, 2024 йил 06



январь куни соат тахминан 16:³⁰да Ургут тумани “Ватак” маҳалласида яшовчи жабрланувчи Бахронов Шохижахон Ахмат ўғли билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик сабабли жанжаллашиб, натижада жабрланувчи Ш.Бахроновни қўллари билан турли соҳаларига бир неча маротаба қасддан уриб, тан жароҳати етказган.

РСТЭИАМСФ Ургут тумани суд-тиббий экспертиза бўлинмасининг 2024 йил 28 февраль кунидаги 76-сонли экспертиза хулосасига кўра, фуқаро Ш.Бахроновнинг танасида, яъни кўкрак кафасининг ўнг томонида қонталаш, ўнг томондан II-қовурғаси силжишсиз синиши ва ўнг курак бўғим косаси қиррасидан синиши каби тан жароҳатлари мавжудлиги, улар ўтмас қаттиқ жисм тасирида етказилганлиги, бу тан жароҳатлари ўзининг одатдаги асоратсиз кечувда соғлиқнинг йигирма бир кундан кўп, бир юз йигирма кундан кам бўлган муддатда бузилишига олиб келганлиги шунинг учун “Ўртача оғирликдаги шикаст” тан жароҳатлари гуруҳига киришлиги, етказилган вақти қарорда, амбулатор тиббий картада ва текширилувчи шахснинг кўрсатма берган муддатига яъни 2024 йил 06 январь кунига тўғри келиши кўрсатилган.

Ш.А.Бахронов қасддан баданга енгил шикаст етказиш жиноятини ижтимоий хавfli қилмиш эканлигини англаган холда 2024 йил 06-январь куни соат 16:30ларда Ургут тумани “Ватак” маҳалласида жойлашган яшаш хонадони олдида қўшниси Худойбердиев Азиз Саидович билан ўрталарида келиб чиққан ўзаро келишмовчилик сабабли жанжаллашиб, натижада жабрланувчи А.Худойбердиевни қўллари билан қасддан бир неча маротаба уриб, енгил соғлиғини бузилишига сабаб бўлган тан жароҳати етказган.

Ургут тумани суд-тиббий экспертиза бўлинмасининг 2024 йил 29 февраль кунидаги 82-сонли экспертиза хулосасига кўра, фуқаро А.Худойбердиевнинг танасида яъни бурун соҳасида шилинма, чап кўз қовоқлари соҳаси, бурун соҳаси юмшоқ тўқималарнинг лат ейиши, бурун суягини синиши, бош миянинг чайқалиши каби тан жароҳати мавжуд бўлганлиги, улар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида етказилганлиги, бу тан жароҳати одатдаги кечувида соғлиқнинг олти кундан кўп ва йигирма бир кундан кам муддатга бузилишига олиб келади ва шунинг учун “енгил, соғлиқни бузилишига сабаб бўлган тан жароҳатлари” гуруҳига кирганлиги, еказилган вақти қарорда, стационар беморнинг тиббий картасида ва текширилувчи шахснинг кўрсатма берган муддатга, яъни 2024 йил 06 январь кунига тўғри келиши мумкинлиги кўрсатилган.

Судга судланувчи А.Худойбердиев ва Ш.Бахроновлар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Судланувчи А.Худойбердиев суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи Ш.Бахроновга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб қолганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.



Судланувчи Ш.Бахронов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи А.Худойбердиевга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, судланувчи А.Худойбердиев ва Ш.Бахроновларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда ўрганиб, Ургут туман прокурорининг ўринбосари Т.Каримқулов, судланувчи А.Худойбердиев ва Ш.Бахроновларнинг ҳимоячилари адвокат А.Ганиев ва Б.Игамовларнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, А.Худойбердиев ва Ш.Бахроновларнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, бир-бирига жабрланувчи бўлиб, даъволари йўқлигини, бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчиларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси ва 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, А.Худойбердиев ва Ш.Бахроновларга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан тугатишни, уларга қўлланилган эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг унга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Суд, шунингдек етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини эътироф этади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Судланувчи Худойбердиев Азиз Саидович (Xudoyberdiyev Aziz Saidovich)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Бахронов Шохихахон Ахмат ўғлига мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.



Етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги эътироф этилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач А.Худойбердиевга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Судланувчи Бахронов Шохихахон Ахмат ўғли (Вахронов Шохіяхон Ахмат о'ғ'ли)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Худойбердиев Азиз Саидовичга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги эътироф этилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач Ш.Бахроновга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши, ажрим қонуний кучга киргач эса кассация тартибида хусусий шикоят ёки протест билдириш мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Ғ.Негматов

